



AL-HAKIM AT-TIRMIDHI AND HIS WORK TITLED “SYNONYMOUS WORDS IN THE QUR’AN”

Odiljon Koriyev

Head of the Department of Islamic Studies, Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan; Doctor of Historical Sciences (D.Sc. in History)

E-mail: o.ahmad@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: jurisprudence, allama, manuscript, copy, Termiz, Qur'an, mysticism, kalam, qiyas, education.

Received: 24.01.26

Accepted: 25.01.26

Published: 26.01.26

Abstract: The article is devoted to the personality of the scholar al-Hakim al-Tirmidhi and to certain aspects of his scientific legacy. In particular, alongside his research in the pure Islamic sciences, a place was also given in his scholarly activity to the field of linguistics (*‘ulūm al-lugha*). In works related to linguistics, such as “*al-Furūq wa man‘ at-tarādūf*” (“Differences in Meaning and the Rejection of Synonymy”) and “*Taḥṣīl naẓā’ir al-Qur’ān*” (“Homonymous Words in the Qur’an”), the author developed a distinct methodological approach in this field. According to the scholar, each word should have a fixed and unchanging meaning, and all its usages should ultimately return to a single, true meaning. The analysis shows that substantiating this central idea constitutes the core concept of the work “*Taḥṣīl naẓā’ir al-Qur’ān*.”

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ВА УНИНГ “ҚУРЪОНДАГИ МАЪНОДОШ СЎЗЛАР” НОМЛИ АСАРИ

Одилжон Қориев

ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, исломишунослик бўлими мудири тарих фанлари доктори

e-mail: o.ahmad@mailru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: фикҳ, аллома, қўлёзма,

Аннотация: Мақола аллома ал-Ҳакким

нусха, Термиз, Куръон, тасаввуф, калом, қиёс, таълим.

ат-Термизийнинг шахсияти ва олимнинг илмий меросидаги айрим жиҳатларига бағишланган. Жумладан олимнинг илмий фаолиятида соф ислом илмларига оид изланишлар билан бир қаторда тилшунослик (улум ал-луғат) соҳасига ҳам ўрин берилган. Тилшуносликка оид “ал-Фурук ва манъ ат-тарадуф” (Фарқли маънолар ва синонимларни инкор қилиш) ва “Таҳсил назаир ал-Қуръан” (Қуръондаги маънодош сўзлар) каби асарларида муаллиф бу соҳада алоҳида бир услубий йўналиш яратган. Олимнинг фикрича ҳар бир сўзнинг муқим, ўзгармас бир маъноси бўлиши лозим. Ва бу сўзнинг маънолари битта ҳақиқий маънога қайтиши керак. Мана шу бош фикрни асослаб бериш “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асари ғоясининг асосини ташкил этиши таҳлил қилинган.

АЛ-ХАКИМ АТ-ТЕРМИЗИ И ЕГО ТРУД “СИНОНИМИЧНЫЕ СЛОВА В КОРАНЕ”

Одилжон Кориев

Доктор исторических наук, заведующий отделом исламоведения

Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан

E-mail: o.ahmad@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: фикх, учёный, рукопись, список, Термез, Коран, суфизм, калам, кияс, образование.

Аннотация: Статья посвящена личности учёного Ал-Хакима ат-Термизи и отдельным аспектам его научного наследия. В частности, наряду с исследованиями в области собственно исламских наук, учёный уделял внимание и лингвистике (‘улюм аль-луга). В своих трудах по языкознанию, таких как «Аль-Фурук ва манъ ат-тарадуф» («Различия значений и отрицание синонимии») и «Тахсиль назаир аль-Қуръан» («Синонимичные слова в Коране»), автор сформировал особое методологическое направление. По мнению учёного, каждое слово должно обладать устойчивым и неизменным значением, а все его смысловые оттенки должны восходить к одному основному, истинному значению. В статье анализируется, каким образом обоснование данной ключевой идеи составляет концептуальную основу труда «Тахсиль назаир аль-Қуръан».

Ўрта асрларда ислом цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган аجدодларимиздан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Бишр ал-Ҳаким ат-Термизий (820-930) Термизнинг буюк уламоларидандир. Ал-Ҳаким ат-Термизий юксак маданиятли, кенг илм соҳиби ва кўплаб асарлар муаллифи сифатида тарихда қолган. Ҳадис илми истагида Хуросон ва Ироққа сафар қилгани, Нишопурда ҳадис айтгани, кўплаб уламолардан илм олгани, тасаввуф намояндаларидан Аллоҳ буюрганича таълим олгани маълум. Алломанинг илмий фаолият доираси ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, у фикҳ илми, аҳли суннатнинг муҳолифлари билан мужодала илми ва ўз даврининг бошқа жамики илм соҳаларида қалам тебратган. Аҳли суннат муҳолифларига қарши китоб ва рисолалар битган. Алломадан бизгача етиб келган унинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар берувчи бебаҳо манба, унинг ўз қўли билан битилган “ал-Ҳаким ат-Термизий ишининг бошланиши” номли рисоласидир . Бу рисолада муаллифнинг ўзи хабар беришича у астрономия, математика, астрология, геодезия соҳаларга ҳам жуда чуқур киришиб кетган эдики, унга бу ишлар билан чуқурлашиб кетмаслик хусусида таъқиқ ҳам келган. Шу билан бир қаторда ал-Ҳаким ат-Термизий ўз даврининг илм соҳаларидан ҳисобланмиш табобат, анатомия ва бошқа соҳаларда фаолият юритгани унинг кўплаб асарларида яққол намоён бўлган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг кўпинча савол-жавоб услубида ёзилганлиги ўзига хос жиҳатидир. Бир қатор асарлар шогирдни устозига берган саволларига жавоб тариқасида битилган. Яна алломанинг турли масалаларда бошқаларникига ўхшамаган нуқтаи назари бор. Бу жиҳатлари олимни ислом илмларини юқори чўққиларга олиб чиққан кам сонли олимлар сафидан жой олишга хизмат қилган. Самарали илмий фаолиятининг ҳосиласи сифатида олим ўзидан кейин ўнлаб асарлар қолдирди. Улар бугунги кунда дунё мамлакатлари қўлёзмалари хазиналарида сақланмоқда. Ал-Ҳаким ат-Термизий илмий меросини юзга яқин турли ҳажмдаги асарлар ташкил қилади. Бу ҳақдаги маълумотлар каталогларда зикр қилинади . Жумладан, Фуад Сезгин ал-Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб деб ҳисобланадиган саксонта асар ҳақида маълумот беради.

Кейинги йилларда мамлакатимизда олим илмий меросини тадқиқ этиш, асарларини мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасига етказиб бериш борасида ҳаракатлар бошланган бўлса-да, ҳали ҳануз олим қаламига мансуб асарларнинг аксарияти қўлёзмалар шаклида қолиб келмоқда.

Ал-Ҳаким ат-Термизий илмий фаолиятида инсоннинг ўзлигини, олим таъбири билан айтганда, нафсининг тарбиясига алоҳида эътибор қаратган . Шу сабабдан у инсон

табиатининг энг чуқур ва нозик жиҳатларини таҳлил қилишга бел боғлайди. Айтиш лозимки, у бу борада инсонни ўзлигини, яъни нафсини тузатиш ва тарбиялашда ўз услубини яратган ва айна шу услубдан қатор асарларини яратишда фойдаланган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мавзуларни талқин этишда ҳикмат нуқтаи назаридан ёндашади. Бунда у диний матнларни қалб, садр, ақл, нафс, рух каби унсурлар орқали шарҳлаб, уларнинг ҳикмати ва яширин маъноларини очиб беради. Бундай ёндашувни унинг ҳар бир асарида топиш мумкин.

Олим маълум бир сўзнинг ишлатилаётган маъносини чуқур ўрганиб, ўша сўзни ташкил этган ҳарфларигача таҳлил қилади. Кейин эса сўз ва уни ташкил этган ҳарфларни у англатаётган маъно билан боғлиқлик жиҳатини очиб беради. Бу билан сўзлар ва улар билдирган объект номи ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмагани, балки бунда мантиқий изчиллик борлигини кўрсатиб беради. Ал-Ҳаким ат-Термизий фикрларини ўқувчиларга тушунарли тарзда етказиш, ҳамда бу фикрларнинг ҳаётдан узилиб қолмагани ва амалий татбиқ этиш мумкинлигини кўрсатиш мақсадида ўз тажрибасидан келиб чиқиб, турли мисол, ривоят ва хулосалардан кенг фойдаланади. Аллома илмий ижодида ислом илмларининг бирон бир соҳасини эътибордан четда қолдирмайди. Хоҳ у фикҳ бўлсин ёки калом, сулук ёки тафсири бўлсин, барчаси билан таниш бўлгани асарларида яққол кўзга ташланади. Ал-Ҳаким ат-Термизий бу илмларнинг барчасини бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бир бутун ҳолда эътиборга олишга ҳаракат қилади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг иқтидори ва улкан салоҳиятига кўпчилик алломалар юксак баҳо берганлар. Абдурахмон Суламий, Исфаҳоний, Ҳужвирий, Абдуллоҳ Ансорий, Фаридуддин Аттор ва бошқа биограф олимлар ал-Ҳаким ат-Термизийни олий даражадаги эҳтиром билан тилга олганлар. Жумладан, буюк мутафаккирлар Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ал-унс” асарида, Алишер Навоий “Насойим ал-муҳаббат” асарида уни энг улуғ шайхлар қаторида зикр қилган ва мутасаввифларнинг иккинчи бўғинига киритган.

Ўрта асрларда ҳам, кейинги даврларда ҳам ал-Ҳаким ат-Термизийни кўплаб олим-у фузалолар чуқур эҳтиром билан тилга олганлар. Унинг маънавий меросининг беқиёс қадр-қиммати ҳақида қатор манбаларда зикр этилган. Абулҳасан Шозилий, Иброҳим Дасукий, Ибн Атоулло Сикандарий каби турли тариқатларнинг пешволари ҳам ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий меросидан истифода этганлар.

Ал-Ҳаким ат-Термизий илмий фаолиятида тилшунослик (улум ал-луғат) соҳаси ҳам алоҳида ўрин тутган ва бу илмда ҳам юқори чўққиларни забт этган. Тилшунослик соҳасида Куръон илмлари, адабиёт ва фикҳ соҳаларини ҳам қамраб олган. Бир сўз билан айтганда тилшунослик масалалари ҳам унинг асарларида алоҳида ўрин эгаллаган.

Тилшуносликка оид “ал-Фуруқ ва манъ ат-тарадуф” (Фарқли маънолар ва синонимларни инкор қилиш) ва “Таҳсил назаир ал-Қуръан” (Қуръондаги маънодош сўзлар) каби асарларида муаллиф бу соҳада алоҳида бир услубий йўналиш яратди. Булар бир-бирини тўлдирувчи асарлар бўлиб, уларнинг асосий ғояси араб тилидаги сўзлар орасида синонимлик тушунчасини рад этишдан иборат. Бунинг маъноси сўзларнинг бир-бири билан боғлиқлиги доирасида ҳар бир сўз алоҳида маънога эга эканлигини аниқлаб беришдир. Айни мана шу нарса “ал-Фуруқ ва манъ ат-тарадуф” (Фарқли маънолар ва синонимларни инкор қилиш) асарида очик ойдин кўрсатиб берилган.

Олимнинг фикрича ҳар қандай сўзнинг ишлатилаётган ўрни ва мақомидан қатъий назар ўзгармайдиган муайян, собит маъноси бўлади. Бу дегани муайян бир сўзнинг шакли ва маънолари ҳар қанча ўзгармасин асли ўзаги ва ҳақиқати биттадир. Сўзларнинг айни шундай лексикографик хусусияти бугун биз таржима ва таҳқиқини тақдим этаётган “Таҳсил назаир ал-Қуръан” (Қуръондаги маънодош сўзлар) китобининг услубида яққол намоён бўлган.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бу услуби унда ишлатилаётган сўзларнинг енгиллиги ва кенг маънолиги билан ажралиб туради. Баъзи ўринларда ёритилиши мақсад қилинган масалаларни изоҳлашда жумлалар чўзилиб кетганлигини кузатиш мумкин. Бунинг сабаби аллома кўзланган мақсадга эришиш учун турли услублардан, масалан, мавзуни асослашда оят ва ҳадислардан мисоллар келтириш йўлини тутганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари олим айни масалаларни тилшунослик жиҳатидан ҳам таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Энг аҳамиятли томони шундаки, бу услубларнинг барчаси масалани ёритишда чигал, тушунилиши қийин бўлган ҳолатни юзага келтирмаган. Боиси олимнинг ҳар томонлама кенг қамровли билим ва юксак илмий маданиятга эга бўлганлигидир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти давомида Қуръони Каримни мукамал ўрганишга катта аҳамият берди, ҳадис илми истагида сафарлар қилди. Бу мақсади йўлида аллома араб тилини тўлиқ эгаллашга интилди ва кўп ҳаракат қилди. Мана шу изланишлар натижасида Қуръони Карим маъноларини тушуниш завқини берадиган ўзига хос бир услуб яратди. Бу услубнинг моҳияти сўзларнинг синонимлик хусусиятини танқид қилиб қатъий тарзда рад этишдан иборатдир. Олим бу фикрини изоҳлар экан: “Агар бирон бир сўз бошқа сўзнинг синоними бўлар экан бу ҳолат уларни тушунилишида ихтилофларга олиб келади. Масалан, бир инсон эҳтимол муайян маънони ифодаловчи бир сўзни билади, бошқа бир киши эса айни шу маънони билдирадиган бошқа бир сўзни билади. Шу тариқа бу икки киши ўртасида ихтилоф келиб чиқади”-дейди.

Шу нуқтаи назардан синоним сўзларни ишлатилишини ёқлаб: “Синоним сўзларни ишлатиш мақсад муддаони ифодалаб бериш имкониятларини кенгайтиради, назм ва наср жанрларида ижодни енгиллаштиради, кўзланган фикрни изҳор қилиш учун иккита тенг маъноли сўзлардан бирини ишлатиш имконини ҳам беради”- деб даъво қилувчиларга эътироз билдиради.

Ал-Ҳаким ат-Термизий индуктив методни ишлаб чиқди ва унда ўз эътирозларини асослаб бериш мақсадида синонимлар билан ифодаланадиган сўз ва ибораларнинг нозик томонларини кўрсатиб берди. Олим ушбу назарияга бағишланган “Фарқлар ҳақидаги китоб” номли асарини ёзиб унда исмлар, сўзлар, исмларнинг далиллари ва ҳақиқатларини ёритиб беришга уринди. Олимнинг фикрича ҳар бир сўзнинг муқим, ўзгармас бир маъноси бўлиши лозим. Албатта сўзнинг турли кўринишлари билан сўзнинг ўртасида унинг маънолари ҳар қанча кўп бўлишига қарамасдан мустаҳкам муштарак омил бўлиши керак. Ва бу сўзнинг маънолари битта ҳақиқий маънога қайтиши керак. Мана шу бош фикрни асослаб бериш “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асари ғоясининг асосини ташкил этади. Эҳтимол олимнинг қўлида бу мавзуга атаб ёзилган бошқа китоблар ҳам бўлган. Ўша китоблар муаллифларидан бири ўз асарида сўз бир биридан фарқланувчи кўп кўринишларга эга бўлиб, бир ўринда бир хил, иккинчи ўринда бошқа хил ва учинчи ўринда яна бир хил маънода келишини масалан, зикр сўзи бир ўринда намоз, бошқа ўринларда хабар, ваъз, шараф, “Қуръон” маъноларида келишини айтиб, “зикр” сўзи ҳар бир ўринда бошқа бошқа маъноларда келиши фикрини иддао қилади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий муаллифнинг фикрига қўшилмасдан “зикр” сўзининг бу маъноларининг барчаси, ташқи кўринишидан бир неча шаклга эга бўлишига қарамасдан негизи, асли битта эканлиги, уларнинг турли кўринишлари айна ўша асрдан келиб чиққанлигини таъкидлайди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий Қуръони каримда келган саксон битта сўзни танлаб олиб, ўз назариясини татбиқ қилган. Шу мақсадда ўзининг ҳар бир қоидага Қуръони Каримдан далил келтиришга асосланган тилшунослик таҳлил услубини ишлаб чиққан. Бу услубга кўра дастлаб сўзнинг ясалиши ва унинг асл маъноси шарҳланиб, сўнгра унинг Қуръони Каримда турли маъноларда ишлатилса-да, асли бир негиздан эканлигини кўрсатишга ўтилган. Бунинг учун ҳадис шарифларда келтирилган фикрлар, илк ислом даврида яшаб ўтган ишончли кишиларнинг айтган сўзлари, узоқ ўтмиш халқларидан бизгача етиб келган хабарлардан фойдаланилган ва бу маълумотлар ўқувчида муайян тасаввур ҳосил қилишга йўналтирилган.

“Таҳсил назаир ал-Қуръан” асарининг бизга маълум бўлган қўлёзма нусхалари унчалик кўп эмас. Алломанинг аксарият асарлари қўлёзмалари қатори мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари ҳам асосан хорижий мамлакатлар хазиналарида сақланади. Асарнинг бизга маълум бўлган нусхалари “Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги”да зикр қилинган. Китобнинг бир қўлёзмаси Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Абу Жаррод томонидан 1196 йилда кўчирилган ва Мисрда Искандария кутубхонасида 3585/II рақами остида сақланади .

Асарнинг яна бир қўлёзма нусхаси 3575ж/I рақами остида Мисрда Искандария муниципал кутубхонасида сақланади . Бу қўлёзма нусха ҳам Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Абу Жаррод томонидан кўчирилган. Бироқ унда кўплаб хатоликлар бор. Мазкур қўлёзма нусханинг фотонусхаси Қоҳирада Миср матбуот уйи кутубхонасида 32842ж рақами остида сақланади .

Миср матбуот уйи кутубхонасида асарнинг Искандарияда сақланадиган қадимги қўлёзма нусхасидан ҳозирги даврда кўчирилган янги қўлёзма нусхаси ҳам 19516Б рақами остида сақланади .

“Таҳсил назоир ал-Қуръан” асарининг 1936 йилда хаттот Маҳмуд Ҳамдий томонидан кўчирилган қўлёзмадан олинган фотонусхаси Тошкент ислом университетининг Ислом тадқиқотлар марказида I/II рақами остида сақланади.

“Қуръондаги маънодош сўзлар” (“Таҳсил назоир ал-Қуръан”) асарининг ўзбек тилидаги илмий изоҳли таржимаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида тайёрланиб илк бор ўзбек тилида нашр қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Будувв аш-шаън Абий Абдуллоҳ. Ф.Роузенталь таҳқиқи. /Die arabische Autobiographie. Anelecta Orientalia 14. – 1937. – Б. 1-40.
2. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Адаб ан-нафс. А. Сойиҳ таҳқиқи. – Қоҳира, “Дор ал-мисрийя ал-лубнанийя” н-ти. 1993.
3. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Макр ан-нафс. А. Барака таҳқиқи. – Димашқ. “Маъҳад махтутот ал-арабийя” н-ти. 1974.
4. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Масаил аҳл Сарахс. Б.Радтке таҳқиқи. – Байрут. 1992 йил.
5. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Сарахс аҳли саволларига жавоб. Араб тилидан таржима Одилжон Қориев, Эркин Миркомиллов. – Тошкент. “Наврўз” н-ти. 2017.

6. Ал-Ҳаким ат-Термизий. “Қуръон терминлари турли маъноларининг қўлланиши”. Матн ва таржима. Араб тилидан ўзбек тилига таржима ва изоҳлар муаллифи О.Қориев, Ҳ.Аминов. Т. “Наврўз”. 2017й. 200 б.
7. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Райдан юборилган саволларга жавоб. Араб тилидан таржима Эркин Миркомиллов. – Тошкент. “Наврўз” н-ти. 2017.
8. Жомий Абдурахмон. “Нафаҳот ал-унс”. Доктор Маҳмуд Обидий тадқиқи. – Техрон. 1955.
9. Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001.
10. Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги. Муллифлар жамоаси. – Тошкент. “Наврўз” н-ти. 2015. – 195 б.
11. Geschichte des arabischen Schrifttums von Fuat Sezgin. Band 1. Leiden, 1967-1979. P.653-659.